

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

28-29-сон
(164-165)
2005 й.
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртиничи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

202. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июлдаги ПФ-3624-сон Фармони
203. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 июлдаги ПФ-3625-сон Фармони
204. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3626-сон Фармони
205. «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сон Фармони
206. «Ташки иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сон Фармони
207. «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сон қарори

208. «Маннон Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги ПҚ-128-сон қарори

Учинчи бўлим

209. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 24-сон қарорига ўзгартириш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 июлдаги 158-сон қарори
210. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 июлдаги 161-сон қарори
211. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 июлдаги 164-сон қарори

Бешинчи бўлим

212. «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган bemорларни хисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби тўғрисида йўрикномани тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2005 йил 15 июндаги 278-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 1494-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
213. «Кимматли қофозлар бозорида маслаҳат бериш фаолияти тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Кимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2005 йил 15 июндаги 2005-06-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 1495-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
214. «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия хисобини юритиш тўғрисида йўрикномани тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/5-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 1496-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
215. «Очиқ валюта мавкеини юритиш қоидаларининг янги таҳририни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 1497-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

лия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 1497-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

- 216.«Темир йўл транспорти йўловчиларининг кўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 7 июнядаги 01-02/12-17, 42, 64, 120-В-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 619-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 217.«Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июнядаги 13/7-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 16 июлда 1444-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 218.«Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2005 йил 6 июнядаги 103, 361, 3/3-413а, 80-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 июлда 198-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 219.«Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвакълари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 25 июнядаги 14/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 июлда 773-19-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 220.«Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришилар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июнядаги 15/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 21 июлда 630-9-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 221.«Локомотив бригадалари ходимларининг рейс олди тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздавтемирийўлназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 4 июнядаги 3, 1/6-7-12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 21 июлда 1498-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2005 йил 9 июлдан 22 июлгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

202 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли қарорига мувофиқ.

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари учун низомдаги сармоянинг энг оз микдорини ўзгартириш тўғрисида» 1993 йил 16 февралдаги ПФ-563-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 апрелдаги ПФ-1749-сонли Фармони 1-бандининг бешинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 марта ПФ-3047-сонли Фармонининг 7-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда вазирликлар ва идораларнинг норматив хужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштиришни таъминласин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 июль,
ПФ-3624-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

203 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонлариға иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 июль,
ПФ-3625-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 18 июлдаги
ПФ-3625-сонли фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонлариға киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» 1996 йил 31 декабрдаги ПФ-1692-сонли Фармони 1-бандининг учинчи хатбоши, 2-бандининг биринчи хатбоши ва 3-бандининг биринчи хатбоидаги «Маданият ишлари» деган сўзлар «Маданият ва спорт ишлари» деб ўзгартирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган, Экспорт қилиниши тақиқланган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхати 10-бандидаги «Маданият ишлари» деган сўзлар «Маданият ва спорт ишлари» деб ўзгартирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги ПФ-1913-сонли Фармони 5-бандидаги «Маданият ишлари» деган сўзлар «Маданият ва спорт ишлари» деб ўзгартирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида» 1998 йил 26 мартағи ПФ-1980-сонли Фармони 6-бандидаги «Маданият ишлари» деган сўзлар «Маданият ва спорт ишлари» деб ўзгартирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органдари рўйхатида:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

- а) I бўлимнинг 8-бандидаги «Маданият ишлари» деган сўзлар «Маданият ва спорт ишлари» деб ўзгартирилсин;
- б) II бўлимнинг 10-банди чиқариб ташлансин; 11-банд 10-банд деб хисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

204 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3602-сонли ҳамда 2005 йил 4 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгариш тўғрисида»ги ПФ-3603-сонли фармонларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсан.
2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 июль,
ПФ-3626-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 19 июлдаги
ПФ-3626-сонли Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-758-сонли Фармонида:

- 2-бандда:
биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошидаги «ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
иккинчи хатбошидаги «ва республикада хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

3-банддаги «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартағи «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-789-сонли Фармони 4-бандининг биринчи хатбошидаги «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 19 декабрдаги «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чукурлаштириш тўғрисида»ги ПФ-1897-сонли Фармони 3-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деб ўзгарилилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 июлдаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2342-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 31 октябрдаги «Ўзкишлокахўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитасини «Ўзагромашсервис» уюшмаси этиб ўзгаририш тўғрисида»ги ПФ-2741-сонли Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг» деб ўзгарилилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил килиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» деб ўзгарилилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim фармонларига ўзгаришилар кириши тўғрисида»ги ПФ-3306-сонли Фармонининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сонли Фармони иловасида:

а) II бўлимда:

1-банддаги «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси»

б) IV бўлимда:

1-банд чиқариб ташлансин;

2-3-бандлар тегишли равишда 1-2-бандлар деб ҳисоблансин.

205 Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида

Юкори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий таъбларига мос келадиган зарур ўкув ва моддий-техника базасини яратиш, илфор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқиш жараёнини янги мазмун билан бойитиш, бўлгуси мутахассисларнинг таълими улар томонидан аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш билан чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тугатилаётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари негизида Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Тошкент тиббиёт академияси Республикада юкори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлайдиган етакчи ўкув муассасаси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005/2006 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-сонли қарорига мувофиқ 2005/2006 ўкув йилига бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари учун белгиланган қабул квоталари Тошкент тиббиёт академиясида сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент тиббиёт академияси ректорати билан биргаликда илгари тасдиқланган қабул комиссиялари фаолиятининг аниқ пухта ташкил этилишини ва улар узлуксиз ишлашини, Академияга қабул қилиш чоғида тест танлови ўтказилиши ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтганлар қабул қилинишини таъминласин.

Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларига хужжат топширган ва тест синовларида муваффақиятли ўтган абитуриентлар Тошкент тиббиёт академиясининг талабалари этиб қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш ва унинг фаолияти билан боғлик барча ташкилий масалалар юзасидан қарор қабул қиласин.

Қарорда қўйидагилар назарда тутилсин:

хозир фаолият кўрсатаётган бешта факультет — даволаш, тиббиёт-педагогика, стоматология, тиббиёт-профилактика ҳамда «Олий ҳамширалик иши» факультетларини сақлаб қолиш;

даволаш факультети ҳамда «Олий ҳамширалик иши» факультетини тугатилган Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпушларида, стоматология, тиббиёт-профилактика ва тиббиёт-педагогика факультетларини эса — собиқ Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпушларида жойлаштириш;

Тошкент тиббиёт академиясининг янги ташкилий тузилмаси, кафедралар, ўкув, лаборатория ҳамда ёрдамчи тузилмаларнинг сони, таркиби ва номини қайта кўриб чиқиш, уларнинг тақрорланиши ва параллел ҳолда олиб борилишига барҳам беришни кўзда тутиш. Айни вақтда профессор-ўқитувчилар таркибининг умумий сони сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги тугатилаёттан Биринчи ва Иккинчи Тошкент тиббиёт институтларининг биноси, иншоотлари ҳамда бошқа мулки ва активларини Тошкент тиббиёт академияси балансига бепул ўтказсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси-нинг Баш вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 июль,
ПФ-3629-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

206 Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш түғрисида

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий сармоядорларга ишончли кафолатларни таъминлаш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қўйидагилар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи иқтисодий фаолият, экспортни рафбатлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш;

жаҳон товарлар (капиталлар, хизматлар) бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ички ва ташқи бозорлар истиқболларини ҳамда самараదорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ахволини чуқур таҳлил этиш ва ривожланишини прогноз қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иктисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иктисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини рӯёбга чиқаришга кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва мо-

лиявий институтлар, бошқа халқаро хукуқ субъектлари билан ўзаро манбаатли асосда иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

кулай инвестиция мұхитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётiga хорижий инвестициялар жалб этилишига күмаклашиш, инвестиция лойихалари рүёбغا чиқарилиши мониторингини амалға ошириш, хорижий инвесторларга зарур ахборот ёрдами күрсатиш.

3. Ихтисослаштирилган ташки савдо компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб;

Агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташки иқтисодий алоқалар бўйича бошқармалари вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсанки, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда агентлик минтақавий бошқармаларининг хукуқ ва мажбуриятлари бўйича хукуқий ворис ҳисобланадилар.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридан хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши тугатилсан.

Тугатилаётган кенгашларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 октябрдаги «Ташки иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3151-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манбаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир хафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиациялар ва савдо вазирлигини ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти масалалари бўйича хукумат қарорини қабул қиласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 21 июль,
ПФ-3631-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

207 Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 12-моддасига мувофиқ ҳамда БМТнинг нуфус масалалари бўйича стандартларига кўра шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари тўғри хисобга олинишини тъминлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиқ шаҳарчалар тоифасига кирувчи аҳоли пунктларини рўйхатдан ўтказсин;

рўйхатдан ўтказиш натижаларини хисобга олган ҳолда туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларига аҳоли сони камидаги 2000 киши бўлган, ўз белгиларига кўра «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 12-моддасига мос келадиган қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарчалар тоифасига киритиш тўғрисида илтимосномалар тақдим этсин;

ҳар йил биринчи чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг худудий бўлинмалари билан биргаликда қишлоқ аҳоли пунктларини рўйхатдан ўтказсан ва зарур ҳолларда амалдаги конун хужжатларига мувофиқ уларнинг мақомини ўзгартириш тўғрисида белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларига тегишли илтимосномалар киритсан.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимликларининг илтимосномаларини кўриб чиқиш ҳамда юкорида кўрсатилган аҳоли пунктларининг мақомини ўзгартириш тўғрисида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларининг қарорларидан келиб чиқкан ҳолда ва асослаб берувчи хужжатларни пухта ўрганиш натижаларига кўра муайян қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар посёлкалари тоифасига киритиш билан боғлик иқтисодий-хукукий масалалар бўйича қарорлар қабул қилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари асосида қишлоқ ва шаҳар аҳоли пунктларининг статистика кўрсаткичларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартишлар киритсан.

5. Белгилансинки, қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар посёлкалари тоифасига киритиш чоғида врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун:

аҳоли пунктларининг мақоми ўзгартирилган кундан бошлаб 5 йил мобайнида қишлоқ жойларда амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақлаб қолинади; улар пенсияга чиққанида ушбу тоифадаги шахсларга уй-жой-коммунал хизмат-

лар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловларини тайинлаш чоғида мазкур давр иш стажига қўшилади.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 июль,
ПҚ-120-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

208 Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини тубдан яхшилаш, театр санъати, кино, телевидение, санъатшунослик ҳамда мазкур соҳанинг бошка йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, талабаларнинг ижодий истеъоди ва қобилиятини ҳар томонлама тўлиқ юзага чиқариш учун зарур моддий-техник база ва шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Тошкент шаҳар ҳокимиютининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-й манзили бўйича барпо этилаётган бинолар комплексини Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтига бепул ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимиюти ва ушбу обьект қурилишини амалга ошираётган пурратчи ташкилотлар, санъат соҳасидаги олий ўқув юртлари ўқув-ижодий жараёнларининг ўзига хослиги ва алоҳида талабларини, институтни аудиториялар, мастер-класслар, яъни «маҳорат синфлари», студиялар ва бошқа зарур хоналар билан таъминлашни инобатга олган ҳолда, институт тасарруфига берилаётган бинолар комплекси ва иншоотларнинг лойиха-смета хужжатларига тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритсин.

Институт тасарруфига берилаётган ўқув биносини реконструкция қилиш бўйича юқорида қайд этилган барча ишлар 2005 йилнинг 1 сентябригача якунлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда мазкур бинолар комплексини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва техник таълим воситалари, ускуналар, мебель, дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, институтнинг янги бинодаги фаолиятини тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплаш учун зарур маблағларни ажратиш бўйича барча масалаларни кўриб чиқсин ва ҳал этсин.

4. Маннон Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тимонидан тақдим этилган, бошқарув ва хизмат кўрса-тuvчи ходимлари сони 253 киши, жумладан, бошқарув ходимлари 45 киши қилиб белгиланган ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари бир ой муддатда куйидаги ишларни амалга оширасин:

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти тузилмасини ило-вага биноан тасдиқланган тузилмага мувофиқлаштирасин;

факультет деканатларини шакллантирасин, кафедралар сонини мақбул даражага келтирган ҳолда, уларнинг рўйхати ва номланишини қайтадан кўриб чиксин;

институтнинг штатлар жадвалини белгиланган тартибда тасдиқласин;

институтнинг профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамласин.


5. Ушбу карорнинг ижросини назорат қилиш Бosh вазир ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 21 июль,
ПҚ-128-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 21 июлдаги ПҚ-128-сонли Фармонига
ИЛОВА

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг ташкилий тузилмаси



Ходимларнинг чекланган сони — 253, жумладан, бошқарув ходимлари сони 45 киши.

УЧИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

209 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 24-сон қарорига ўзгарти- риш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сон қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 24-сон қарори 1-бандидан биринчи — учинчи хатбоши чиқаруб ташлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 июль,
158-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

210 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан хорижий валютада ундириладиган божлар ставкалари, ўйимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар тарифлари V бўлимида:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Хўжалик судларида кўриладиган мулк тусидаги низоларга оид ишлар бўйича, даъво қиймати:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

1 млн сўмга тенг миқдоргача бўлганда

1 млн сўмдан 10 млн сўмгача тенг бўлган миқдордан юқори бўлганда

10 млн сўмга тенг миқдордан юқори бўлганда

даъво қийматининг 3 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда:

даъво қийматининг 2 фоизи миқдорида;

даъво қийматининг 1 фоизи миқдорида»;

б) 2-банд чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 30 январдаги 56-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 3-банди чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 июль,
161-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

211 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Шавкат Иброхимович Каримов Тошкент тиббиёт академиясининг ректори этиб тайинлансан.

2. Тошкент тиббиёт академиясini ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан Вазирлар Махкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш бўйича иловага* мувофиқ таркибда Комиссия тузилсан.

3. Комиссия (Ф.Ф. Назиров) бир хафта муддатда қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига киритсан, унда:

Академиянинг республикадаги юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлайдиган етакчи ўкув муассасаси сифатида Академияга юклangan функциялар амалга оширилишини таъминлайдиган янги ташкилий тузилмасини шакллантиришга;

сақлаб қолинадиган бешта факультетларнинг тузилмасини шакллантиришга,

* Илова берилмайди.

кафедраларни факультетлар бўйича тақсимлашга, аъзолари кам сонли бўлган кафедралар тузилишига, уларнинг бир-бирини тақрорлаши ва параллел мавжуд бўлишига йўл қўймаган холда кафедралар сони, тузилмаси ва номларини белгилашга;

тугатиласётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларининг бинолари, иншоотлари, бошқа мол-мулки ва активларини Академия балансига ўтказиш масалаларини ҳал этишга, факультетларни жойлаштиришга ҳамда Академиянинг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 21 июль,
164-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

212 Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истъемол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
15 июлда 1494-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 25 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалири ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Конуни 35 ва 46-моддаларининг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истъемол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома иловага асосан тасдиқлансин.
2. Ушбу Йўриқнома Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 июнь,
278-сон

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2005 йил 15 июндаги 278-сонли
бўйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий
истеъмол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик
билин касалланган bemорларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш
тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги Қонуни 35 ва 46-моддаларининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилувчи шахсларни аниқлаш, кўрикдан ўтказиш ва ҳисобга олишни амалга оширишда соғлиқни сақлаш идораларининг фаолиятини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилиб туриши тўғрисида ишончли маълумотлар бўлган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ташхис кўйиш мақсадида амалга оширилади.

2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилувчи шахслар суриштирув, тергов органлари, суд ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан давлат соғлиқни сақлаш тизимининг наркология муассасасига тиббий кўрикдан ўтказиш учун юбориладилар. Наркология марказлари, наркология диспансерлари, психоневрология муассасалари хузуридаги наркология хоналари (ва наркология бўлимлари) ҳамда туман марказий поликлиникалари, ҳудудий тиббиёт бирлашмалари хузуридаги наркология хоналари (бундан бўён матнда — тиббиёт муассасалари) шундай муассасалар ҳисобланади. Кўрсатилган шахсларни ҳисобга олиш учун тиббиёт муассасаси шифокор психиатр-наркологининг «гиёҳвандлик» ёки «захарвандлик» ташхиси ёхуд гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол килиш далилининг аниқланганлигини тасдиқловчи холосаси асос бўлади.

II. Фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишга юбориш асослари

3. Қўйидаги ҳолатлар фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишга юбориш учун асос ҳисобланади:

шахс гиёҳвандлик билан касалланган, гиёҳвандлик воситалари таъсирида маст ҳолатда ёхуд шифокор кўрсатмаси бўлмагани ҳолда гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда истеъмол этган деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса;

шахс ўз танасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб ўтадириб деб ҳисоблашга асослар бўлса;

фуқароларнинг илтимосига ёки уларнинг розилигига кўра, ёши ўн тўртга тўлмаган вояга етмаганларга эса — уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг илтимосига ёхуд уларнинг розилигига кўра;

ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошисида кўрсатилган шахслар тиббий кўрикдан ва текширувдан ўтказиш учун суриштирув, тергов органлари ва суднинг қарорига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда юборилади.

III. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни тибиёт муассасаларида ҳисобга олиш тартиби

4. Тиббий қўриқдан ўтказиш натижасида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилиш холати аниқланган тақдирда, диспансер кузатуви назорат картаси тўлдирилади ва мазкур шахс тибиёт муассасасининг профилактика ҳисобига олинади.

5. Тиббий қўриқдан ўтказиш натижасида шахсга «гиёхвандлик» ёки «заҳарвандлик» ташҳиси қўйилганда унга «диспансер кузатувидаги наркологик беморнинг назорат картаси» тўлдирилади.

6. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилганлик холатини аниқлаш, «гиёхвандлик» ёки «заҳарвандлик» ташҳисини қўйиш, шифокор нарколог томонидан ҳисобга олиш масаласини ҳал этиш, текширувдан ўтказиш маълумотлари мавжуд хаққоний материалларнинг бутун мажмуига боғлиқ бўлади; бунда текширувдан ўтказиш пайтида баданда гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар йўқлиги, бошқа етарлича асосланган маълумотлар бўлгани тақдирда, ҳисобга олмаслик учун асос бўла олмайди.

7. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий эпизодик истеъмол қилганлик холатини аниқлаш, шифокор нарколог томонидан ҳисобга олиш масаласини ҳал этиш текширувдан ўтказиш маълумотлари ва мавжуд хаққоний материалларнинг бутун мажмуига боғлиқ бўлади; бунда текширувдан ўтказиш пайтида етарлича асосланган маълумотлар бўла туриб баданда гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш далилининг йўқлиги профилактик ҳисобга олмаслик учун асос бўла олмайди.

8. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий эпизодик истеъмол қилувчи гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган ва айни чоғда руҳий касалликларга чалинган шахслар шифокор психиатрларнинг ва шифокор наркологларнинг ҳисобида туришлари керак. Бундай беморларни кузатиб туриш ва даволаш психоневрология муассасаларида (бўлинмаларида) амалга оширилади.

9. Гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларга ихтиёрий тиббий ёрдам, давлатнинг ёхуд хусусий мулк шаклидаги наркология муассасаларидаги шифокор-наркологлар томонидан кўрсатилади.

10. Ўзига «гиёхвандлик» ёки «заҳарвандлик» ташҳиси қўйилганига норози бўлган шахс қўйилган ташҳиснинг асослилиги устидан юқори соғлиқни сақлаш идорала-рига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

11. Тибиёт муассасаси ҳисобидан чиқарилган шахсларнинг назорат карталарида чиқариш санаси ва сабаби кўрсатилади, карталар уларда динамик кузатув картотекасининг тегишли бўлимларида алоҳида сақланади ва статистика ҳисоботларини тузишда фойдаланилади. Календарь йил тугаганидан кейин улар тибиёт муассасасининг архивига топширилиб, у ерда тиббий ҳужжатлар учун белгиланган умумий тартибда сақланади.

IV. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни диспансер кузатуви давомида кўрикларнинг даврийлиги

12. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол

қилувчи шахсларни, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни кўрикдан ўтказиш, уларнинг ҳолатини назорат килиш, динамик кузатув давомида даволаш ва тиббий профилактик ишларни олиб бориш мақсадида ўтказилади. Бунда гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни кўрикдан ўтказиш деб, фактат бу bemорлар билан уларнинг участка психиатр-нарколог шифокори, участка ҳамшираси ёки ижтимоий кўмак фельдшери билан шахсан мулокотда бўлиши назарда тутилади.

13. Ҳар бир келувчи bemорнинг бир йил ичидаги кўрикдан ўтиш сони bemорни кузатиш учун киритилган динамик кузатиш гурухига ва шу билан бир қаторда касалнинг индивидуал хусусиятлари ва касалликнинг кечишига боғлиқ. Гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган bemорлар ушбу уч динамик гурухидан бирига киритилади:

I гурӯҳ:

- тиббий ёрдам учун ҳаётида биринчи марта келган касаллар (диспансер кузатишга қайта олинганлар);
- ремиссияси бир йилгача бўлган bemорлар;
- ремиссия бир йилдан ошганда bemорлар I гурӯхга ўтказилади

II гурӯҳ:

- ремиссияси бир йилдан икки йилгача бўлган bemорлар
- ремиссия икки йилдан ошганда bemорлар III гурӯхга ўтказилади

III гурӯҳ:

- ремиссияси икки йилдан ортиқ бўлган bemорлар.

I гурӯх bemорларини кузатиш давомийлиги бир ойда бир мартадан кам бўлмаслиги керак (bemор касалхонада ётмаган ҳолда), II гурӯҳ — 2 ойда бир марта, III гурӯҳ — 3 ойда бир марта.

Гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган bemорлар мажбурий даволаш учун ихтисослашган наркологик бўлимларда даволаниб чиқсан касаллар ремиссияси уларнинг наркологик шифохонадан чиқсан вақтидан ёки озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтгач янгидан хисобга олинган вақтидан аниқланади.

14. Профилактик кузатув гурухига гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилиб, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик белгилари бўлмаган шахслар киради. Ушбу гурухдагиларни кузатиш давомийлиги бир ойда бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

15. Қабул килинган ушбу давомийлиги, ҳар бир гурухда уни ташкил қилувчиларни шахсларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўзгариши мумкин.

Динамик кузатиш картатекасини тузиш учун юкорида қайд этилган кўрсатмалар хисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Кузатилаётган контингентни гурухларга бўлиш коидасига гурухчалардан фойдаланиш, рангли маркировка каби ва бошқа иш олиб боришни енгиллатувчи усуллар кирмайди.

V. Гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган bemорларнинг номларини ошкор қилмасдан (аноним) даволашни ўтказиш тартиби

16. Гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган, тиббиёт муассасасига мурожаат этган bemорларга ўзларининг илтимосларига кўра номларини ошкор қил-

масдан даволаш таъминланади. Номини ошкор этмасдан даволаш амбулатория ва стационар шароитларида амалга оширилиши мумкин.

17. Номини ошкор қилмасдан амбулатория шароитида даволаниш учун тиббиёт муассасасига мурожаат этган шахслар учун катнаб даволанувчи беморнинг тиббий картаси (шакл 025 /у) очилади, бунда анкета маълумотлари шахсни тасдиқловчи бирон-бир хужжат асосида тўлдирилади, бироқ қатнаб даво олувчи беморнинг тиббий картасида тартиб раками кўрсатилади. Беморнинг ёши, жинси, ижтимоий ҳолати ва у истеъмол қиладиган гиёхвандлик воситаси ёки психотроп модданинг тури аниқлаштирилиши шарт.

18. Стационар шароитда номини ошкор қилмасдан даволаниш учун мурожаат этилганда, ётиб даволанувчи беморнинг тиббий картаси (шакл 001 /у) юритилади, анкета маълумотлари эса қатнаб даволанувчи беморнинг картаси сингари тўлдирилади. Номини ошкор қилмасдан (аноним) даволанаётган бемор ҳақидаги маълумотларнинг маҳфийлиги сакланади.

19. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мазкур фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензиясини олган хусусий мулк шаклидаги тиббиёт муассасасига номини ошкор қилмасдан даволаниш учун мурожаат этилганда, амбулатория шароитида қатнаб даволанувчи беморнинг тиббий картаси, стационар шароитда эса — ётиб даволанувчи беморнинг тиббий картаси тўлдирилади. Анкета маълумотларини тўлдириш тартиби тиббиёт муассасаларида сингаридир.

20. Ҳар кандай мулк шаклидаги наркология муассасаларига номини ошкор қилмасдан даволаниш учун мурожаат этган беморлар тўғрисидаги маълумотлар «гиёхвандлик» ва «захарвандлик» билан касалланган беморлар тўғрисидаги статистика маълумотларида белгиланган тартибда акс эттирилади. Ҳаётида биринчи марта «гиёхвандлик» ёки «захарвандлик» ташхиси кўйилган бемор тўғрисида статистика талони тўлдирилиб, унда анкета маълумотлари ўрнига қатнаб даволанувчи беморнинг картаси ёки касаллик тарихида акс эттирилган маълумотлар кўрсатилади.

VI. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилувчи, «гиёхвандлик» ёки «захарвандлик» билан касалланган беморларни тиббиёт муассасаларида ҳисобдан чиқариш

21. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилувчи шахсларни ҳисобдан чиқариш тартиби:

гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилувчи шахслар ўзини тийган пайтдан эътиборан бир йил ўтгандан кейин ҳисобдан чиқариладилар;

гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилувчи шахс томонидан ушбу моддаларни яна истеъмол қилиш ҳолати аниқланиб, у диспансер ҳисобига олиниши муносабати билан;

гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотибий истеъмол қилувчи шахс устидан профилактик кузатувнинг тўхтатилиши учун асос бўлиб тиббий-врачлик комиссиясининг хulosаси билан;

22. «Гиёхвандлик» ёки «захарвандлик» билан касалланган беморларни тиббиёт муассасаларида ҳисобдан чиқариш тартиби:

«Гиёхвандлик» ёки «захарвандлик» ташхиси билан ҳисобда турган шахслар гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишдан ўзини тийган пайтдан эътиборан З йил ўтгандан кейин барқарор ремиссия муносабати билан

улар кузатувда турган муассасанинг тиббий-врачлик комиссиясини хulosасига му-вофик;

хисобда турган шахснинг вафот этиши муносабати билан ФХДЁ ёки шаҳар, туман ИИБнинг расмий хабарномасига асосан;

содир этилган жиноят учун шахсни бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинса.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтгач, бемор шаҳар, туман ИИБ йўллан-маси билан қайта диспансер хисобига олиниади;

яаш жойини ўзгартириши, наркологик муассаса хизмати қамраб оладиган худуддан ташқарига кўчиб кетиши, шунингдек бемор бошқа наркологик муассаса кузатуви остига олиниши муносабати билан. Бемор яаш жойини ўзгартирганлиги тўғрисида туман ИИБ дан аниқ маълумот олиниши лозим;

алоҳида ҳолатларда барча кўрилган чоралар (жумладан, жойлардаги ИИБлари-га мурожаат қилиш)га қарамай, наркологик муассаса бир йил давомида беморни кўриқдан ўтказишни таъминлай олмаса ва шахснинг қаердалиги тўғрисида аниқ объектив маълумотларга эга бўлмаси.

23. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

Келишилган:**Бош прокурор Р. ҚОДИРОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 12 март

Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУГИ

213 Қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат бериш фаолияти тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
15 июлда 1495-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 25 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буораман**:

1. Қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат бериш фаолияти тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори М. ЮНУСМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 июнь,
2005-06-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**214 Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва
тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини
юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
15 июлда 1496-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 25 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқнома»нинг янги тахрири иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 30 апрелдаги 8/1-сонли қарори ва 2002 йил 12 октябрдаги 520-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқнома» (2003 йил 14 январь, рўйхат раками 1200) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан кейин кучга киритилсан.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 июнь,
13/5-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2005 йил 11 июндаги 13/5-сонли қарори
билин
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва
тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини
юритиш тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА
(янги тахрирда)**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг (кейинги матнда

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

КБТЭБ) ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ юритиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Банклар КБТЭБ бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича талабларни амалда қўллаш учун мазкур Йўриқнома асосида ўзларининг ички тартибларини ишлаб чиқишилари зарур.

2. Мазкур Йўриқнома мақсадларида қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (КБТЭБ) — бу банк фаолиятида фойдаланиладиган ва қўйидаги мезонлардан бирортасига жавоб бера оладиган моддий активлардир:

а) хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

б) хизмат муддатидан қатъи назар, бир донаси (комплекти) нархи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган (сотиб олиш вактидаги) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача қийматга эга бўлган буюмлардир.

Банк раҳбари буюмларнинг КБТЭБ таркибидаги ҳисобини олиб бориш учун ҳисобот йилига буюмлар қийматининг қўйи чегарасини ўрнатиши мумкин.

Хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъи назар КБТЭБ таркибига қўйидагилар киритилиади:

а) маҳсус асбоблар ва мосламалар (айрим буюмларни туркум ва ялпи ишлаб чиқариш ёки якка тартиbdаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

б) маҳсус ва санитар кийимлар, маҳсус пойабзаллар;

в) ётоқ жихозлари;

г) канцелярия жихозлари (калькуляторлар, стол жихозлари ва бошқалар);

д) ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, шунингдек овқатланиш хонаси чойшаблари;

е) курилиш-таъмирлаш ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик курилма ва мосламалар (титулсиз иншоотлар);

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмасиши асбоб-ускуналари ва бошқа буюмлар;

Ҳақиқатдаги қиймат — КБТЭБ ни сотиб олиш, қайта ишлаш ва уни ҳозирги жойи ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа жами харажатлар суммасидир;

Ҳаққоний қиймат — ўзаро алоқадор бўлмаган ва умумий шартларда битимишни амалга оширишни хоҳловчи боҳабар томонлар ўртасида активни алмаштириш ёки мажбуриятни қоплаш учун келишилган сумма;

Соф сотиши қиймати — оддий иш фаолияти давомидаги битим тузиш ва сотишини амалга ошириш учун зарур бўлган ва ҳисобланган харажатлар чегириб ташланган сотиши баҳосидир. Соф сотиши қиймати банк томонидан оддий ҳолларда КБТЭБ ни сотищдан олиши кутилаётган соф суммани англатади. КБТЭБнинг соф сотиши қиймати ҳаққоний қийматдан сотиши харажатлари айириб ташланган қийматидан фарқ қилиши мумкин.

II. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотиб олиш ҳисоби

3. КБТЭБ қийматини олдиндан тўлаб бериш билан сотиб олиш:

1) КБТЭБ ни олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қўйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дт 19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

Кт — Банкнинг вакиллик ҳисобварафи ёки мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафи (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафига шу банкда хизмат кўрсатилса)

2) КБТЭБ омборхонага сотиб олинганлигини тасдиқловчи бирламчи хужжатлар асосида кирим қилиниб, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кт 19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

4. Агар тўлов КБТЭБ келиб тушгандан кейин амалга оширилса, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) КБТЭБ келиб тушгандা;

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кт 29802 «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»

2) КБТЭБ қиймати тўланганда:

Дт 29802 «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»

Кт — «Банк вакиллик ҳисобварафи ёки мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафи» (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча бўлган депозит ҳисобварафига шу банкда хизмат кўрсатилса)

5. КБТЭБ Бош банк/филиалдан филиаллар/бош банкка берилганда шу кунги банк хужжатларига моддий жавобгар шахсга тегишли филиал/бош банк томонидан (белгиланган тартибда) берилган талабнома ва ишончнома тикиб қўйилади ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 16104 «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар — Товар моддий қимматликлар»

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

6. КБТЭБ Бош банкдан филиалга қабул қилинганда бошланғич хужжатлар (юк хатлари) асосида қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кт 22205 «Бош банк /филиалларга тўланадиган маблағлар — Товар моддий қимматликлар»

7. Омборга қабул қилинган КБТЭБ да бирор бир номувофиқлик ёки нуқсон топилганда, юкни етказиб берган ташкилот вакиллари иштироқида далолатнома тузилади ва даъво билдирилади. Далолатноманинг учинчи нусхаси билдирилган даъво билан мол етказиб берувчига юборилади.

1) Банк даъвоси мол етказиб берувчи томонидан қабул қилинганда ёки суд томонидан тегишли карор чиқарилганда омборга кирим қилинган КБТЭБни мол етказиб берувчига қайташ қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дт 19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

2) Қайтарилган маблағларни қайта ёзув билан вакиллик ҳисобварафига ўтказиш:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварафи

Кт 19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

8. Банкка келаётган моддий бойликлар уларнинг сақланишига жавобгар бўлган омборхона мудири (омборчи) ёки банк бошлигининг буйруғига асосан тайинланган бошқа ходим томонидан қабул қилинади. Жавобгар шахс — омборчи ёки бошқа ходим томонидан банкка қабул қилинаётган барча КБТЭБ бўйича рақамланган, тикилган ва бошқарувчи ҳамда бош бухгалтернинг имзоси ва банкнинг думалоқ муҳр изи билан тасдиқланган журнالда алоҳида маҳсус тизимдан ташқари ҳисоб юритилади.

III. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни тан олиш ва баҳолаш

9. КБТЭБ ҳақиқатдаги ёки соф сотиш қийматларидан энг кам миқдори билан баҳоланади.

10. КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қиймати сотиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳамда КБТЭБни жорий ҳолатига ва жойига келтириш мақсадида амалга оширилган бошқа харажатлардан иборатdir.

11. КБТЭБни сотиб олиш харажатлари харид нархи, импорт божлари ва бошқа тўловлар (кейинчалик банкка қайтариладиганларидан ташқари) ташиш, қайта ишлаш ва сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан иборат бўлади. Савдо чегирмалари, қоплаб беришлар ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар сотиб олиш харажатларини аниқлаётганда чиқариб ташланади (1-илова).

12. Бошқа харажатлар КБТЭБнинг ҳақиқатдаги қийматига уларни жорий ҳолат ва жойига келтириш билан боғлиқ бўлган қисмигина қўшилади.

13. КБТЭБнинг қийматига қўшилмасдан давр харажатлари сифатида харажат қилинган вактда тан олинувчи харажатларга қўйидагилар мисол бўлади:

- сақлаш харажатлари;
- КБТЭБни жорий ҳолатига ва жойига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий харажатлар;
- сотиш харажатлари.

14. Агар КБТЭБни сотиб олиш бўйича шартномада молиялаштириш элементи ишлатилган бўлса, масалан, оддий ҳолдаги сотиб олиш шартларидағи тўланадиган баҳо билан тўланган баҳо ўртасидаги фарқ бутун харидни молиялаштириш давомида фоизли харажатлар сифатида тан олинади.

Қийматни аниқлаш формуласи

15. Бир хил бўлмаган ва маҳсус мақсадлар учун ажратилган (масалан, янги дастурий воситани жорий этиш учун олинган ускуналар) КБТЭБнинг ҳақиқатдаги қиймати аниқ харажатларнинг алоҳида қийматларини маҳсус аниқлаш орқали ўрнатилади.

16. Қийматларни маҳсус аниқлаш — бу маълум турдаги КБТЭБ қийматига аниқ харажатларни олиб боришидир. Бу усул маҳсус мақсадлар учун алоҳида ажратилган моддаларга нисбатан талаб этилади. Агарда одатда бир хил нархли КБТЭБнинг катта миқдори мавжуд бўлса, маҳсус баҳолаш талаб этилмайди. Бундай ҳолларда олдиндан фойда ёки заарга таъсирни аниқлаш учун КБТЭБга тегишли бўлган моддаларни ажратиб олиш усулидан фойдаланиш мумкин.

17. Мазкур Низомнинг 15-бандида таърифланган КБТЭБдан бошқаларининг ҳақиқатдаги қиймати «биринчи келиш — биринчи кетиш» принципи (ФИФО) ёки

ўртача тортилган қиймат формуласи ёрдамида аниқланади. Банк бир хил тавсифга эга бўлган ва банк томонидан бир хил мақсадда ишлатиладиган КБТЭБ бўйича бир хил қиймат формуласидан фойдаланади. Банк бошқа хил тавсифга эга бўлган ва банк томонидан бошқа мақсадда ишлатиладиган КБТЭБ бўйича бошқа қийматни аниқлаш формуласидан фойдаланиши ҳам мумкин.

18. ФИФО усулида биринчи бўлиб сотиб олинган КБТЭБ биринчи бўлиб ишлатилади ва ўз навбатида давр охирида товар моддий захираларда қолган КБТЭБ қолдиги кейинги харид нархи билан ҳисобга олинади (2-илова). Ўртача тортилган қиймат формуласидан фойдаланилганда ҳар бир объектнинг қиймати худди шундай объектларнинг давр бошидаги ва давр мобайнида сотиб олинган ўртача тортилган қийматига teng. Ўртача қиймат банкдаги шароитдан келиб чиқиб даврий равишда ёки ҳар бир қўшимча КБТЭБлар сотиб олинганда ҳисобланиши мумкин.

Соф сотиши қиймати

19. КБТЭБнинг ҳақиқатдаги қиймати агар улар шикастланган ёки уларнинг сотиши нархи пасайгандаги қопланмаслиги мумкин. Банклар бундай заарлар микдорини КБТЭБни соф сотиши қийматини баҳолаш орқали аниқлайдилар.

20. КБТЭБнинг баҳолангандаги соф сотиши қиймати мазкур баҳолашни амалга ошириш давридаги энг ишончли фактларга ва сотилиши кутилаётган КБТЭБ ни тасдиқланган қийматига асосланган бўлади. Бу баҳолаш бевосита ҳисбот санасидан кейин рўй берган воқеалар билан боғлиқ нарх ўзгаришларини, ҳисбот санасига мавжуд бўлган шартлар тасдиқланган даражада ҳисобга олади.

21. Банклар бухгалтерия ҳисобида ҳар кандай заар ёки КБТЭБни қийматини соф сотиши қийматигача камайтириш бўйича харажатларни, заар ёки қиймат камайиши рўй бераётган ҳар бир ҳисбот даврида акс эттиришлари шарт. Банклар ҳар бир КБТЭБни соф сотиши қийматигача ҳисобдан чиқариш бўйича тизимдан ташқари ҳисоб юритишлари шарт. Тизимдан ташқари ҳисоб юритишда соф сотиши қийматигача ҳисобдан чиқариш ҳар бир КБТЭБ бўйича алоҳида юритилади. Баъзи ҳолатларда агар ҳисобга олинаётган КБТЭБ оғирлиги ёки бошқа шу каби кўрсаткичлари бўйича бир хил бўлса, уларнинг ҳисоби шу кўрсаткичлар бўйича гурӯхлаштириш орқали алоҳида карточкаларда юритилиши мумкин.

22. Ҳар бир кейинги даврда соф сотиши қийматини янгидан баҳолаш амалга оширилади ва зарур бўлса қўшимча ҳисобдан чиқаришлар амалга оширилади. Шундай қилиб, янги баланс қиймати ҳақиқатдаги қиймат ва қайта кўриб чиқилган соф сотиши қийматининг энг кичигига тенгdir. Банклар КБТЭБ соф сотиши қийматигача ҳисобдан чиқаришни қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширадилар:

ДТ 56895 «Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарларни баҳолаш»

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

23. КБТЭБ омбордан ишлатиш учун берилганда шу сана учун харажат сифатида тан олинади. Агар КБТЭБ чиқиб кетаётган бўлса, унга мос даромад тан олинган санада тегишли харажат ҳам тан олинади. КБТЭБни соф сотиши қийматигача ҳисобдан чиқариш ва КБТЭБ бўйича кўрилган заарлар, ҳисобдан чиқариш амалга оширилган ёки заар кўрилган даврда давр харажати сифатида тан олинади.

24. Баъзи бир КБТЭБ, масалан, банк ҳисобидан курилаётган асосий восита ҳисобига қўшиладиган КБТЭБ бошқа активлар ҳисобига ўтказилиши мумкин. Бош-

қа актив таркибига бундай йўл билан қўшилган КБТЭБ активнинг фойдали ишлатилиш даври мобайнида харажат сифатида тан олиб борилади.

IV. КБТЭБни ҳисобдан чиқариш ҳисобини юритиш тартиби

25. Омбордан КБТЭБ қўйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

- 1) фойдаланишга берилганда;
- 2) сотилганда;
- 3) бепул (текинга) берилганда;
- 4) камомад аникланганда ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлганда;
- 5) форс-мажор ҳолатларда.

26. КБТЭБни фойдаланишга бериш қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дт 56406 «Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари»

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар хамда бошқа қимматликлар»

Бунда фойдаланиш (эксплуатация)даги ва омбордаги КБТЭБнинг сакланиши устидан назорат ва уларнинг ҳисоби тизимдан ташқари журналларда (журналлар номерланган, тикилган ва банкнинг раҳбари, бош бухгалтери имзоси ва думалоқ муҳрининг изи билан тасдиқланган бўлиши шарт) амалга оширилади. Тизимдан ташқари ҳисоб кунлик равишда олиб борилади ва КБТЭБни мос бандлари қолдигани қўрсатган ҳолда ҳар бир ҳисобот санасига тузилади.

27. Банк ортиқча КБТЭБни сотганда (КБТЭБ шартномада келишилган нархларда сотилади) қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

- 1) КБТЭБни сотиш суммасига:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварафи ёки сотиб олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафи, агар сотиб олувчига шу банкда хизмат қўрсатилса.

Кт 29802 «Товар-моддий қимматликлар ва қўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»

- 2) КБТЭБ банк учун фойда ёки заарсиз сотилганда:

Дт 29802 «Товар-моддий қимматликлар ва қўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» соф тушум суммасига*

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар хамда бошқа қимматликлар»

- 3) КБТЭБ фойда билан сотилганда:

Дт 29802 «Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар» — соф тушум суммасига

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар хамда бошқа қимматликлар»

Кт 45913 «Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда» — «соф тушум» ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига

- 4) КБТЭБ зарар билан сотилганда:

Дт 29802 «Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар» — соф тушум суммасига

Дт 55906 «Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» — «соф тушум» ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига

* бу ерда, соф тушум дейилганда шартнома баҳосидан қўшилган қиймат солиги ва акцизларни айириб ташлагандан кейинги сумма назарда тутилади.

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

28. Камомад чиққан, яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), текинга берилган, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда КБТЭБнинг қиймати, банк томонидан белгиланган тартибда, заарга чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 56795 «Бошқа операцион харажатлари»

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

V. КБТЭБни инвентаризация қилиш

29. Фойдаланилаётган ва омбордаги КБТЭБ бўйича, уларнинг сақланиши ва ҳақиқатда мавжудлиги устидан назоратни таъминлаш учун йилда камида бир марта инвентаризация ўтказилади. Инвентаризация ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади.

30. Моддий бойликлар камомади аниқланган ҳолда, уларнинг қиймати айбдор ва моддий-жавобгар шахслардан конунчиликда ўрнатилган тартибда ундириб олинади. Етказилган заарлар микдорини банк ходимининг етказган заарни учун унинг моддий жавобгарлиги доираси ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси билан тартибга солинади.

31. КБТЭБнинг камомади, шунингдек, айбдор шахс айби билан яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахс аниқланганда) КБТЭБнинг қиймати инвентаризация комиссиясининг бошлиғи ва аъзолари, моддий жавобгар шахс (омбор мудири) томонидан имзоланган акт билан расмийлаштирилади ва моддий-жавобгар шахслардан белгиланган тартибда ундириб олинади ҳамда қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали расмийлаштирилади:

Дт 19908 «Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олининши лозим бўлган маблағлар»

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Айбдор ходимларнинг иш ҳақидан ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29803 «Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар»

Кт 19908 «Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олининши лозим бўлган маблағлар»

Белгиланган тартибда банк ходимидан касса орқали ундириб олинганда:

Дт 10101 «Амалиёт (операцион) кассадаги накд пуллар»

Кт 19908 «Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олининши лозим бўлган маблағлар»

32. Агар инвентаризация пайтида омборда ҳисобда бўлмаган буюмлар аниқланса, улар инвентаризация комиссияси томонидан бозор нархидан баҳоланиб, белгиланган тартибда омборга кирим қилинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кт 45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар»

33. Омбор мудири (омборчи) ишдан бўшаши, бошқа ишга ўтказилиши, меҳнат

таътилига кетиши ёки беморлиги туфайли алмаштирилган тақдирда, банк раҳбари-нинг бўйруғи билан ходимлар таркибидаги ҳайъат томонидан топширувчи ва қабул қилувчи ходимлар иштирокида омборда тўлиқ инвентаризация ўтказилади ҳамда мажбурий равишда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади.

VI. Ошкор этиш

34. Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ошкор этиши керак:

- 1) КБТЭБни баҳолаш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати, жумладан, фойдаланилган қиймат формуласини;
- 2) КБТЭБ жами баланс қийматини;
- 3) давр мобайнода харажат сифатида тан олинган КБТЭБ суммасини;
- 4) давр мобайнода харажат сифатида тан олинган КБТЭБни ҳисобдан чиқариш суммасини;
- 5) мажбуриятлар таъминоти сифатида гаровга қўйилган КБТЭБнинг баланс қийматини.

Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

Сотиб олиш харажатлари

Банк Б 200 канцелярия папкаларини 2.500 сўмдан жами 500.000 сўмга сотиб олди. Транспорт харажатлари 5.000 сўмга тенг бўлган. Бундан ташқари, сотувчи умумий суммадан 3% чегирма берган.

Қиймат 200 x 2.500 сўм = 500.000 сўм

Чегирма 500.000 x 3% = 15.000 сўм

Траспорт харажатлари 5.000 сўм

500.000 сўм – 15.000 сўм + 5.000 сўм = 490.000 сўм

Натижада, банк 200 папкани ўзида 490.000 сўмга акс эттиради.

Дт	19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар	490.000
	ҳамда бошқа қимматликлар»	

Кт	10301 «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвараги — Ностро»	490.000
----	---	---------

Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

КБТЭБни сотиб олиш ва ҳисобдан чиқариш ҳисоби

КБТЭБни ҳисобини юритишида банк ФИФО усулидан фойдаланади.

Масалан, Банк А 2002 йил 1 октябрда 5 кг қоғозни килограммини 1500 сўмдан сотиб олди.

1)

Дт	19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»	7.500
Кт	10301 «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафи — Ностро»	7.500

2)

Дт	19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»	7.500
Кт	19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»	7.500

9 октябрда Банк А яна 5 кг қоғоз сотиб олди, лекин нархи 1 кг 1.550 сўм.

1)

Дт	19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»	7.750
Кт	10301 «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафи — Ностро»	7.750

2)

Дт	19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»	7.750
Кт	19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»	7.750

19 октябрда Банк А яна 4 кг қоғоз сотиб олди, лекин нархи 1 кг 1.450 сўм.

1)

Дт	19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»	5.800
Кт	10301 «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафи — Ностро»	5.800

2)

Дт	19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»	5.800
Кт	19909 «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»	5.800

21 октябрда Банк А 4 кг қоғозни ишлатди (бунда ҳисобдан дастлаб 1 кг 1.500 сўмдан сотиб олинган қоғозлар чиқарилади).

Дт	56406 «Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари»	6.000
----	--	-------

23 октябрда Банк А яна 2 кг қоғоз ишлатди (бунда ҳисобдан омборда дастлаб 1 кг 1.500 сўмдан сотиб олинган қоғоз ва кейин 1 кг 1.550 сўмдан сотиб олинган қоғоз ҳисобдан чиқарилади).

Дт	56406 «Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари»	3.050
Кт	19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар »	3.050

26 октябрда Банк А яна 2 кг қоғозни ишлатди (бунда биринчи келиш тамойилига кўра, омборда қолган 1 кг 1.550 сўмдан сотиб олинган 2 кг қоғоз хисобдан чиқарилади).

Дт	56406 «Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари»	3.050
Кт	19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар »	3.050

Ушбу амалиётлар натижасида «биринчи келиш — биринчи кетиш» услубини қўллаш натижасида омбордаги КБТЭБ кўйидаги тарзда ўзгарди:

Сана	Харид			Ишлатиш			Колдик		
	1 кг нархи	кг	сумма	1 кг нархи	кг	Хисобдан чиқариш суммаси	1 кг нархи	кг	сумма
01.10.02	1.500	5	7.500						
09.10.02	1.550	5	7.750						
19.10.02	1.450	4	5.800						
21.10.02				1.500	4	6.000			
23.10.02				1.500	1	1.500			
				1.550	1	1.550			
26.10.02				1.550	2	3.100	1.550	2	3.100
							1.450	4	5.800

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ ҚАРОРИ

215 Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларининг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 1497-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 1 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларининг янги таҳрири иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 28 марта 392-сонли қарори (1998 йил 3 август, рўйхат рақами 466);

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Очиқ валюта мав-кеини юритиш қоидалари»га 1-сон ўзгартериш киритиш түғрисида»ги 2000 йил 24 июнданги 392-1-сонли қарори (2000 йил 11 август, рўйхат рақами 466-1).

3. Мазкур қарор 2005 йил 1 августдан кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 май,
610-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИ
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАК
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ

216 Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
15 июлда 619-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 25 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш түғрисида»ги (янги таҳрири) Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви қарор қиласи:

1. Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига (1999 йил 5 февраль, рўйхат рақами 619 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, З-сон) иловага* мувофиқ қўшимча ва ўзгартеришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлиб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
01-02/12-17-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раиси А. РАМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
42-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
64-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
120-B-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

217 Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида-ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
16 июлда 1444-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 26 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конунининг 7 ва 28-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **карор қиласди**:

1. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги низомга (2005 йил 18 январь, рўйхат раками 1444) иловага* мувофик қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 июнь,
13 / 7-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

218 Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
20 июлда 198-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 30 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 22 апрелдаги ПФ-1990-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 4-сон, 65-модда), 1999 йил 17 марта ПФ-2246-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 3-сон, 72-модда) ва 2004 йил 7 декабрдаги ПФ-3521-сонли (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 48-49-сон, 493-модда) фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Пенсия жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги билан келишилган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисидаги тартиб»га (1995 йил 19 декабрь, рўйхат рақами 198) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 июль,
103-сон

Мудофаа вазири Қ. ФУЛОМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 июль,
361-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Тошкент ш.,
2005 йил 6 июль,
3/3-413а-сон

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 июль,
80-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ

219 «Ўзбекистон Республикаси тијорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари режаси»га ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
20 июлда 773-19-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 30 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июн даги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлар тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) «Ўзбекистон Республикаси тијорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари режаси»га иловага* мувофиқ ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилишин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.
3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринbosари А.Қ. Қодиров зиммасига юклатилисин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 июнь,
14/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

220 Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
21 июлда 630-9-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 31 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конунининг 7 ва 17-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3618-сонли «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор ўёналишларини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-иловаси 4-бўлимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 630) иловага* мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 16 июль,
15/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАР
ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
«ЎЗДАВТЕМИРЙЎЛНАЗОРАТ»НИНГ
ҚАРОРИ

**221 Локомотив бригадалари ходимларининг рейс олди
тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш қоидала-
рини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
21 июлда 1498-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 31 июлдан кучга киради)

Темир йўл юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 214-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Конунининг 16-моддасига асосан **қарор қиласиз**:

1. Илова* қилинаётган «Локомотив бригадалар ходимларининг рейс олди тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари» тасдиқлансан.
2. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан 10 кун ўтгач кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль,
3-сон

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль,
1 / 6-7-12-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
 Адлия вазирлиги маълум қилади:
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
 2005 йил 9 июлдан 22 июлгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол килувчи шахсларни, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни хисобга олиш ва кузатиб бориши тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2005 йил 15 июндаги 278-сон бўйруғи.

2005 йил 15 июлда 1494-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 25 июлдан кучга киради).

2. «Қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат бериш фаолияти тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиши марказининг 2005 йил 15 июндаги 2005-06-сон қарори.

2005 йил 15 июлда 1495-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 25 июлдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия хисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/5-сон қарори (янги таҳрирда).

2005 йил 15 июлда 1496-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 25 июлдан кучга киради).

4. «Очик валюта мавқенини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610-сон қарори (янги таҳрирда).

2005 йил 15 июлда 1497-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 1 августдан кучга киради).

5. «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютаси и ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибиага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 7 июндан 01-02/12-17, 42, 64, 120-B-1-сон қарори.

2005 йил 15 июлда 619-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 25 июлдан кучга киради).

6. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни де-понентлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июн-даги 13/7-сон қарори.

2005 йил 16 июлда 1444-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 26 июлдан кучга киради).

7. «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2005 йил 6 июлдаги 103, 361, 3/3-413а, 80-сон қарори.

2005 йил 20 июлда 198-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 июлдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 25 июндаги 14/4-сон қарори.

2005 йил 20 июлда 773-19-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 июлдан кучга киради).

9. «Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/3-сон қарори.

2005 йил 21 июлда 630-9-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 31 июлдан кучга киради).

10. «Локомотив бригадалари ходимларининг рейс олди тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздавтемирийўлназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 4 июлдаги 3, 1/6-7-12-сон қарори.

2005 йил 21 июлда 1498-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 31 июлдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2003 йил 14 январь, рўйхат рақами 1200).

Адлия вазирининг 2005 йил 15 июлдаги 107-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидалари, 1-сонли қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (1998 йил 3 август, рўйхат рақами 466; 2000 йил 11 август, рўйхат рақами 466-1).

Адлия вазирининг 2005 йил 15 июлдаги 108-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги конунчиликка ўзгартишлар киритилиши ва янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.